III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2020 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 1 765,0 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 103,9 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 1 673,8 млрд. сўмни (103,3 фоиз), овчилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 0,1 млрд. сўмни (100,0 фоиз), ўрмон хўжалигида 56,0 млрд. сўмни (101,4 фоиз), балиқчилик хўжалигида 35,1 млрд. сўмни (139,5 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Зафаробод (110,6 фоиз), Дўстлик (106,6 фоиз), Фориш (105,8 фоиз), Шароф Рашидов (103,9 фоиз), Янгиобод (103,6 фоиз) туманларида кузатилди. Шунингдек, ўз навбатида Жиззах шаҳар (102,0 фоиз), ва Мирзачўл (102,0 фоиз) туманларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

2020 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 92,7 фоиз).

Деҳқончилик. 2020 йилнинг январь-мартида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 94,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 106,5 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 5,7 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 973 тонна (165,8 фоиз) сабзавотлар йиғиб олинди.

2020 йилнинг январь-мартда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Сабзавотлар-жами	973	165,8	25	113,6	576	101,9	372	-

Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-мартида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1 573,2 млрд. сўмни ёки (2019 йилнинг январь-мартида 103,0 фоиз) ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 94,3 фозни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига йирик шоҳли қорамоллар бош сони 885,4 минг бошга (100,9 фоиз), шу жумладан сигирлар 248,7 минг бошга (100,4 фоиз), қўй ва эчкилар 2 128,5 минг бошга (103,5 фоиз), отлар 27,3 минг бошга (103,4 фоиз), паррандалар 3 454,2 минг бошга (106,7 фоиз) га кўпайди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*Шу жумладан:*					
			Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	минг бош	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*	*минг бош*	*ўсиш суръати, фоизда*
Йирик шохли қорамоллар	885,4	100,9	40,1	115,9	831,1	100,1	14,2	112,7
Сигирлар	248,7	100,4	11,1	104,7	234,4	100,2	3,2	103,2
Қўй ва эчкилар	2 128,5	103,5	344,7	110,7	1 583,3	101,8	200,5	105,9
Отлар	27,3	103,4	4,6	122,6	19,6	99,8	3,1	102,8
Паррандалар	3 454,2	106,7	290,8	95,9	1 991,2	100,3	1 172,2	123,8

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шоҳли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида 4,5 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 94,3 ва 4,4 фоизни, қўйлар ҳамда эчкилар 74,4 ва 16,2 фоизни, паррандалар 57,6 ва 8,4 фоизни ташкил қилди.

2020 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шоҳли қорамоллар *(минг бош)*



шу жумладан: сигирлар *(минг бош)*



Қўйлар ва эчкилар *(минг бош)*

Паррандалар *(минг бош)*



Отлар *(минг бош)*

2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 34 289 тонна гўшт (2019 йилнинг январь-март ойига нисбатан 102,9 фоизга кўп), 113 476 тонна сут (103,4 фоиз), 50 142,0 минг. дона тухум (103,8 фоиз), 450 дона қоракўл тери (106,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2020 йилнинг январь-мартда ҳўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		*Шу жумладан:*					
			Фермер хўжаликлари		*Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари*		*Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар*	
	тонна	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*	*тонна*	*ўсиш суръати, фоизда*
Гўшт, тирик вазнда, тонна	34 289	102,9	262	109,2	33 839	102,7	188	139,3
Сут, минг	113,5	103,4	1,9	131,0	111,2	103,0	0,3	105,8
Тухум, минг. Дона	50 142,0	103,8	2045,0	106,3	30 908,0	102,5	17 189,0	105,8
Қоракўл тери, дона	450	106,4	145	96,7	-	-	305	111,7
Овланган балиқ	2 532	140,3	277	128,3	414	104,0	1 841	154,6

Ҳўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини 2020 йилнинг январь-март ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 34 289 тонна гўшт (2019 йилнинг январь-март ойига нисбатан 102,9 фоизга кўп), фермер хўжаликларида 262 тонна (109,2 фоиз), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари 33 839 тонна (102,7 фоиз) ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар 188 тонна (139,3 фоиз)га ўсиши кузатилди.

2020 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Гўшт *(тонна)*

Сут *(тонна)*

Тухум (*минг дона*)

Овланган балиқ *(тонна)*